



Тил миллатнинг бойлиги, туганмас хазинаси, кўзгуси хамдир. Шу сабаб хам "тил бойлиги эл бойлиги" дейишади. Тилни асраш, авайлаш эса хар бир Ватан фарзандининг бурчи, вазифасига киради. Кадимда элчиларнинг тилига, гапириш охангига разм солиб, халкининг маданияти, дини ва урф одатларигача илгаб олишган. Хадиси шарифда "Шеърда сехр, баёнда хикмат бор" дейилади. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўгрисида"ги конуни кабул килинган, йигирма биринчи октябрни ўзбек тилига давлат тили макоми берилган кун сифатида нишонлаймиз. Аммо...

Она тилимизни давлат тили даражасига кўтарилишигача бўлган жараёнларни эсланг. Аждодларимиз, адилларимиз бундан йигирма, ўттиз йиллар олдин хам ўзбек тилининг давлат тили бўлишини орзу килишган. Бугун эса ушбу неъматнинг кадрига етмай, тилимизни бузиш, хато талаффуз килиш каби холатларга бефаркмиз. Хеч бўлмаганида оммага нутк килишни ўрганиш зарур. Буни оиласдан, мактаб таълим муассасаларидан бошлишимиз керак. Афсус, баъзи мактабларда холат айтарли даражада эмас. Бироз муддат Юнусобод туманидаги 327-мактабда таълим берган бир огайнимиз айтади: "Ўкувчиларнинг она тили – ўзбек тилимизнинг конун коидаларини ўрганишга, яъни сўз курилиши, бирикмаси, имло, тиниш белгилари хакидаги билимлари етарли эмас. Хатто еттинчи-саккизинчи синфда ўкиётган боланинг диктант, иншо ёзишда нўноклиги сезилади. Ачинарлиси улар хали етарли билимга эгамаслигини тан олишмайди. Атиги бир юз йигирмата сўздан етмиш иккита хато килган саккизинчи синф ўкувчиси олдида мактаб раҳбарининг ўзи тиниш белгиларни хато хисобламанг, деганида афсусдан ёкамни ушладим. Мактаб кутубхонаси эса етарли адабиётлар билан бойитилмаган..." Зоро оғзаки ва ёзма нутк маданиятини билиш, яъни тилга хурмат – элга бўлган хурмат хисобланади. Кўчада йўл харакатини бузган хайдовча ёки йўловчи жаримага тортилади. Ёки жамоа жойларда хурматсизлик килган конунбузарлар хам жазодан холи колишмайди...

Кўча афишалари, реклама тахта ёзувлари, борингки, дўкон, магазинларининг тепасида хам имловий хатоларни ёки соф ўзбек тилидан кочиш холларини кўриб, ачиниб кетасан. Ўтган куни олти ёшли жияним Шукруллоҳ "мени салон красотыга оборинг", деб колди. Галати эшитилган бу сўзни тушунмагандай опамга карадим. Тогаси бу сартарошхонани аятаяпти. Ўзиям икки кундан бери кулогимизни динг килиб юборди-да, - деди. Ахамият берилса, жойлардаги хар беш-олти соч парваришилаш, олдириш жойларидан биттаси сартарошхона ёки гўзаллик салони, колганлари эса "салон красоты" бўлган. Ёйинки

магазин тепасидаги "2000 hildagi oboylar" деган ёзувга эътибор беринг. Биринчи сўзда "х" харфи ўрнига "h"ни, иккинчисида эса русча "обой" сўзига ўзбекча "лар" кўшимчасини кўллаган. Ушбу иборани чиройли килиб, соф она тилимизда "2000 xildagi gulqogozlar" деб ёзса бўлади-ку! Шунга ўхшаш машинадаги "Лицензиясиз йўловчиларни ташиш конунга хилоф" каби ибораларга диккат килинг. Бу ёзувни ўкиган киши йўловчиларга хам лицензия бериладими, деб хайрон бўлмайдими?

Эҳтимол, биз "Салон красоты" атамасига анча кўникиб колгандирмиз. Ха албатта, ўкишни энди ўрганаётган bogcha боласи ёки мактабга боришаётган ука-сингилларимиз, ўғил-қизларимиз хижолатсиз салон красоты, деб гапиришяпти, шундай ёзишяяпти хам. Бу каби локайдлигимиз ортида миллий бойлигимиз бўлган соф она тилимизга хурматсизлик, кўр-кўrona таҳдид, бузиш каби иллатлар ётгани наҳот сезилмаётган бўлса! Келажак авлодни билимли, ватанпарвар, маънавияти юксак килиб тарбиялашимиз долзарб эмасми...

Абдувоҳид ЎРОЗОВ